



Ислом Нури

«Ахлуссунна вал-жамоа» кутубхонаси
«Фикх рисоалари» силсиласи

Бисмиллахи рохманир рохийи

Барча оламлар роббиси бўлган Аллохга хамдлар, Унинг элчисига, элчисининг ахли-байти ва уни севганларнинг барчасига салавот ва саломлар бўлсин.

Ушбу рисола расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг кандай рўза тутганлари, рўзанинг фарзлари, шартлари, одоблари, дуолари, фойдалари, рўза тутиш фарз бўлган кишилар ва рўзани бузувчи нарсалар хақидадир.

Аллох таоло мусулмонларни хаётларининг барча жабхасида расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларини татбиқ этишларига муваффақ килсин.

Рўзанинг таърифи

Рўза – субх содикдан Куёшнинг ботишига қадар Аллох таолога ибодат нияти билан рўзани бузадиган барча нарсалардан тийилиш, демакдир.

Рамазон ойида рўза тутиш Ислом динининг пойдеворларидан биридир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар:

«Ислом беш нарса асосига қурилгандир: «Аллохдан ўзга илох йўқ ва Мухаммад Аллохнинг элчисидир» деб гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо этиш, закотни бериш, рамазон рўзасини тутиш, Байт (Каъба) ни хаж қилишдир» (Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари).



Ислом Нури

Рўза кимлар учун фарз

Рўза аклли, балогат ёшига етган, муким ва рўза тутишга кудрати етган хар бир мусулмон учун фарздир.

Кофирлар учун рўза тутиш фарз эмас. Агар кофир кейинчалик Ислом динини кабул килса, кофирлик кунларининг казо рўзасини тутиб бермайди.

Балогат ёшига етмаган болага хам рўза тутиш фарз эмасдир. Аммо ўрганиши учун рўза тутишга буюриш керак.

Мажнун (жинни) ларга рўза тутишлари фарз эмасдир. Чунки уларнинг зиммасида масъулият-таклиф йўқдир. Уларнинг, гарчи ёшлари катта бўлса хам, фидя бериб, бечораларга таом едириш мажбурияти хам йўқдир. Акл хастаси ёки эсар бўлган карияларга хам рўза тутиш фарз эмасдир.

Бемор (рўза тутишга кодир бўлмаса) тузалганидан сўнг казосини тутиб беради. Сурункали касалликка чалиниб рўза тута олмаган одамнинг хукми ёши улуг бўлган ёки касаллигидан тузала олмаган одамнинг хукмидадир. Бундай одамлар хар куни бир факирнинг корнини тўйдирадилар.

Хомиладор ва эмизикли хотинларга рўза тутиш огир бўлса ёки чакалокларига бирон зарар етишидан кўрксалар, рамазон ойида рўза тутмай, кейинрок казосини тутиб беришлари мумкин.

Хайз ва нифос кўрган аёллар хам рамазон ойида (неча кун кон кўрган бўлсалар шунча) кун рўза тутмайдалр ва кейинрок колдирган кунларининг казосини тутиб берадилар.



Ислом Нури

Сувда чўкаётган ёки ёнгинда ёнаётган кимсани куткариш учун рўзани очиш ва унинг казосини кейинрок тутиб бериш мумкин.

Мусофирнинг рўза тутиши ёки тутмаслиги ўз ихтиёридадир. Сафар умра каби тасодифий ёки наклиётчилик каби давомли бўлса-да, ҳеч бир фарк йўқдир. Бундай одамлар ўз юртларидан чикканларидан сўнг рўза тутмасликлари мумкин. Бирок, кейинрок тутмаган кунлари микдорича казо рўзаси тутадилар.

Рамазон рўзасини бошлаш ва тугатиш

Ислом шариати ибодатларни, ҳар бир замон ва ҳар бир шахс учун осонлик билан қилиш мумкин бўлган, меъёр ва белгиларга боғлади. Шулардан бири рамазон ойининг рўзасидир. Куръон Карим ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатлари бу ибодатни рамазон хилолининг кўриниши билан бошланиб, Шаввол хилолининг кўриниши билан тугалланишини баён қилди.

Куръон Каримда Аллох таъоло деди:

«(У санокли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун хидоят бўлиб ва фурконнинг очик оятлари бўлиб Куръон нозил қилинган. Сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин...» (Бақара: 185).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ҳам ўзларининг ҳадис шарифларида ояти каримада зикр этилганидек Рамазон рўзасига етишишни баён қилдилар. Биз у ҳадисларнинг энг ишончли-сахихларини келтирмоқчимиз.

Абдуллох ибн Умар разияллоху анху деди: **«Расулуллох соллаллоху**



Ислom Нури

алайхи ва саллам дедилар: «Хилолни кўрмай туриб рўза тутишни бошланглар! Хилолни кўрмай туриб рўзани тугатманглар! Агар булутлар хилолни кўришингиздан тўсса, ой кунларининг сонини ўттизга еткизинглар!» (Имом Бухорий, имом Муслим, имом Абу Довуд ва имом Насойй ривоятлари).

Имом Термизийнинг ривояти куйидагичадир:

«Рамазондан аввал рўза тутмангиз. (Рамазон) хилолини кўриб рўза тутишни бошлангиз, (шаввол) хилолини кўргандан кейин (эса) огзингиз очик бўлсин. Агар булут хилолни кўришга монеълик килса, у (рамазон ойи) ни ўттиз кунга еткизинг».

Имом Бухорийнинг ривояти эса бундайдир:

«Агар (хаво) булутли бўлса шаъбон ойини (нг кунлари) ни ўттизга еткизинглар».

Бошка бир ривоятда эса: **«(Агар рамазон ойининг йигирма тўккизинчи куни) хаво булутли бўлиб, шаввол хилолини кўра олмасангиз, ўттиз кун рўза тутингиз!».**

Яна Абдуллох ибн Умар разияллоху анху деди: **«Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам: «Биз саводсиз умматмиз: на ёзишни ва на хисоблашни биламиз. Ой бундай (икки кафтларининг бармоқларини тўла ёзган холда уч бор ишора килдилар) ёки бундайдир (икки кафтларининг бармоқларини тўла ёзган холда икки бор, учинчисида бир дона бармоқларини юмган холда ишора килдилар)» — дедилар»** (Имом Бухорий, имом Муслим, имом Абу Довуд ва имом Насойй ривоятлари).



Ислон Нури

Яъни, камарий ой баъзида ўттиз ва баъзида йигирма тўккиз кун бўлиши мумкин.

Мазкур хадислар бу мавзуда ривоят килинган кўплаб хадислар ичидан танлаб олганимиз намуналар, холос. Зеро, бу маънодаги хадислар жуда ҳам кўпдир.

Шунга асосан Ислон олимларининг аксарлари Рамазон рўзасини хилолни кўриб бошлаш ва шаввол хилолини кўриб тугатишга катта эътибор берганлар. Шунинг учун ҳам хар бир мусулмон бу ибодатга ҳам бошка ибодатларга ҳам эътиборларини каратишлари ва шариат кўйган меъёр-ўлчовларга диккат этишлари керак.

Рўзанинг ахкомлари

1. Ният

Фарз рўзаларда кечкурун ётишдан олдин ният килиш шарт. Ниятни субх киришидан аввалги вақтгача кечиктирса бўлади. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Субхидан аввал рўзанинг ниятини килмаган одамнинг рўзаси рўза эмасдир»** (Имом Абу Довуд ривояти); Бошка бир ривоятда: **«Кечкурун, ётишдан аввал рўзага ният килмаган одамнинг рўзаси рўза эмасдир»** — деганлар. (Имом Насойй: «Сахих»).

Ниятнинг ўрни калбдир. Зеро, расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам ва сахобалардан рўза тутиш учун тиллари билан ният килганлари ривоят килинган эмас.



Ислом Нури

2. Рўза тутишнинг вакти

Аллох таъоло деди:

«То субхи содик вақтига қадар, еб-ичинглар, сўнгра, кечгача рўзани бенуксон қилиб тутинглар!» (Бақара: 187).

Субхи икки турлидир:

Субхи қозиб (ёлгон субхидам): бу субхида бомдод намозининг вақти қирмаган бўлади. Рўза тутмоқчи бўлган одамнинг бу вақтда еб-ичиши харом эмасдир. Уфқда тик қизик қаби ва бўрининг қуйругига ўхшаган ойдинлик субхи қозибнинг аломатидир.

Субхи содик: бу субхида бомдод намозининг вақти қирган бўлади. Бу вақтдан сўнг еб-ичиш мумкин эмасдир. Субхи содик тоғлар ва тепалиқлар устида ёйилган окликдир.

Ифтор вақти: қун қикиш томонда қоронғилиқнинг бошланган, қун ботиш томонда эса қундузнинг тугаб, Қуёшнинг юмалок шакли бутунлай ботган вақтидир. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам бу ҳақда шундай дедилар: **«Кеча бу ёқдан бостириб қелса, қундуз бу ёққа чеқиниб қетса ва қуёш ботса рўзадор оғзини очибди»** (Имом Муслим ва имом Бухорий ривояти). Бу – Қуёшнинг бутунлай ботиши, демақдир. Ботгандан сўнг Қуёшнинг ёруғлиги қолса ҳам, ҳукм айнидир.

3. Сахарлик

Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Биз билан аҳли қитобларнинг рўзаси ўртасидаги фарқ – сахарликдир»** (Имом



Ислом Нури

Муслим ривояти). Бошқа бир ривоятда: **«Барака уч нарсададир: жамоат, сарийд (араблар севиб ейдиган таом) ва сахарликда»** (Сахих хадис, Табароний: «ал-Муъжамул-Кабир»).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг баракот деб баён қилган сахарликни тарк қилиш суннатга хилофдир. Чунки сахарлик қилиш суннатга риоя қилиш, демакдир. Табиийки, рўза тутиш одамлар учун осон эмас. Бирок, сахарлик ҳам хадисларда баён қилинганидек, баракотли озукадир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Баракотли овкатга келинг»** деб айтганларида шунга ишора қилган эдилар (Абу Довуд ривояти).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар:

«Сахарлик - барака емагидир. Гарчи бир ютим сув билан бўлсада, сизлардан бирингиз сахарликни тарк этмасин! Чунки Аллох ва унинг фаришталари сахарлик қилганларга салавот айтадилар» (Имом Ахмад ибн Ханбал ривояти);

«Хурмо мўъминнинг кандай ҳам яхши сахарлиги» (Абу Довуд ривояти).

Сахарликни субҳи содикка қадар давом эттириш, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларидир.

4. Рўзадор тарк қилиши керак бўлган амаллар

Ёлгон сўз

Бунга араб тилида «зур» дейилади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Ким зур (фитна ва фасодга сабаб бўлган ёлгон**



Ислом Нури

сўз) **ни тарк этмаса Аллох азза ва жалланинг унинг емаклари ва ичмакларини тарк этишига эҳтиёжи йўқдир**» (Имом Бухорий ривояти).

Фойдасиз ва хаёсиз сўз

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Рўза емок ва ичмокдан тийилишгина эмас. Балки, у фойдасиз ва хаёсиз сўзларни айтишдан сакланиш (хам), дир. Бирор киши сизни хакорат килса ёки сизга жохилона муносабатда бўлса, «Мен рўзадорман, мен рўзадорман» — деб айтинг»** (Сахих хадис, ибн Хузайма ривояти).

5. Рўзадорга мувоҳ (рухсатли) амаллар

Рўзадорнинг жунуб холатда тонг оттириши.

Бу ҳақда Оиша ризияллоху анҳо шундай дедилар: **«Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам аҳли билан жимо килгани сабаб жунуб холатида тонг отиб колар, кейин гусл килиб рўзаларини тутар эдилар»** (Имом Бухорий ривояти).

Рўзадорнинг мисвок ишлатиши.

Бу ҳақда расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Агар умматимга огир бўлмаганда, уларни хар бир тахоратларида мисвок ишлатишларига амр этар эдим»** — дедилар (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам рўзадор ва рўза тутмаган кишиларнинг мисвок ишлатишлари хақида бирон бир фарқ бор



Ислом Нури

эканини баён килмадилар. Зеро, рўзадор бўлган ёки рўзадор бўлмаган пайтларда хар бир мусулмоннинг тахорат килганида, намоз олдида мисвок ишлатиши завол (кун огиши)дан аввал ёки заволдан кейин бўлишининг фарқи йўқдир.

Мазмаза (огизни чайиш) ва истиншок (бурунга сув олиб чиқариб ташлаш).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам рўзадорлик пайтларида мазмаза ва истиншок килганлар, бироқ, уларни муболага билан қилишдан қайтарганлар: «...**Рўзадорлигингдан бошқа пайтда истиншокни муболагали кил**» (Абу Довуд ривояти).

Кучоклаш ва ўпиш.

Уммул муъминийн Оиша разияллоху анҳо: «**Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам рўзадор пайтларида хотинларини кучоклар ва ўпар эдилар. У сизларнинг ичингизда ўз шахватига ўта эга бўла олган зот эдилар**» — дедилар. (Имом Бухорий ва имом Муслим ривояти).

Бу ёшлар учун макрухдир, қариялар бундан мустасно. Чунки расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан бунинг сабаби сўралганида: «**Кари одам ўз нафсига эга бўла олади**» — деб жавоб берганлар (Ахмад ибн Ханбал: «ал-Муснад»).

Кон тахлилин килдириш ва озиклантирмайдиган укол олиш рўзани бузмайди. Чунки булар ошқозонга кетмайди ва озиклантирмайди ҳам. Бироқ, қувват бўлиши учун бериладиган нина (укол) лар, глюкоза ва гемодез қуйилса рўза бузилади.



Ислом Нури

Кон олдириш хам рўзани бузмайди. Абдуллох ибн Аббос разияллоху анху деди: «**Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам рўзадор холларида кон олдиран эдилар**» (Имом Бухорий ривояти). Шунингдек тиш олдириш хам рўзани бузмайди.

Овкатларнинг таъмини кўриш таомнинг томокка кетмаслиги шарти билан жоиздир. Тиш маъжуни хакида хукм хам айнидир. Чунки Абдуллох ибн Аббос разияллоху анхудан шундай ривоят килинган: «**Рўзадор бўла туриб сирканинг таъмини томокка кетмаслик шарти билан кўришнинг зарари йўқдир**» (Имом Бухорий ривояти).

Сурма кўйиш ва кўзга томизиладиган дорилар хам рўзани бузмайди. Бу нарсаларнинг таъми димогда хис этилса-да, рўза бузилмайди. Имом Бухорий «Сахих» тўпламида шундай дейди: «**Анас, Хасан ва Иброхим рўзадорнинг сурма кўйишида ҳеч бир карохият кўрмадилар**».

6. Ифтор

Ифтор (энг аввалги вақтида килиш) учун шошилиш.

Ифторни энг аввалги вақтида килиш учун шошилиш расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларидан ва унда яхудий ва насронийларга муҳолифлик бордир. Чунки улар рўзаларини юлдузлар чиккунига қадар кечиктирадилар. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «**Одамлар ифтор (килиш) га шошилар эканлар, хайр-яхшилиқ узра бўладилар**» (Имом Бухорий ва имом Муслим ривояти).



Ислом Нури

Яна шундай дедилар: **«Юлдузларнинг чиқишини кутмай ифторларини килар эканлар, умматим менинг суннатим узрадирлар»** (Ибн Хиббон: «Сахих»).

Шом намозидан аввал ифтор килиш.

Анас разияллоху анху деди: **«Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам намоз ўқишдан аввал ифтор килар эдилар.»** (Абу Довуд ривояти).

Нима билан ифтор килади?

Анас разияллоху анху деди: **«Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам намоз ўқишдан аввал рутаб (чала пишган хурмо) лар билан ифтор килар эдилар. Агар у бўлмаса курук хурмо билан, у хам бўлмаса бир неча култум сув билан ифтор килар эдилар»** (Абу Довуд ривояти).

Ифтордан кейин килинадиган дуо.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ифтор килганларидан сўнг: **«Захабаз-замау, вабталлатил уру-у-ку ва сабатал ажру ин ша Аллох» Чанкок кетди, томирлар намланди ва савоблар собит бўлди, иншааллох»** — дер эдилар (Абу Довуд ривояти).

7. Рўзани бузувчи нарсалар

Касддан ейиш ва ичиш.

Фойдали ва фойдасиз (сигарет каби) бўлса-да, ейиш ва ичиш рўзани бузади. Бирок, унутиш, хато ва зўрлаш холатлари, иншааллох, рўзани



Ислом Нури

бузмайди. Расулуллох соллаллохуу алайхи ва саллам: **«Кимки унутиб еб, ичса рўзасини нихоясига еткизсин. Чунки Аллох унга едириб, ичирибди»** — дедилар (Имом Бухорий ва имом Муслим ривояти).

Жинсий алока килиш.

Рўза тутиши фарз бўлган хар бир одамнинг рўзадорлик пайтида жинсий алока килиши, унинг рўзасини бузади. Бундай одамлар рўзаларининг казосини тутишлари ва огир каффорот беришлари керак. Бу каффорот – бир кулни озод килишдир. Агар буни адо этишга имкони бўлмаса пайдар-пай икки ой рўза тутиб бериши керак. Бунга хам имкони бўлмаса, олтмишта факирнинг корнини тўйгизиши керак. Бу каффоротларнинг тартиб билан килиниши суннатда ворид бўлган, уларнинг бирисидан ожиз бўлмай туриб иккинчисига ўтилмайди.

Касддан кусиш.

Рўзадор истаги бўлмай касса рўзаси бузулмайди. Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Ихтиёрсиз кусган кишининг рўзаси бузилмас. Касддан харакат килиб касса, рўзасининг казосини тутиб берсин»** (Абу Довуд, сахих хадис).

Озикланиш учун килинган нина (укол) лар.

Бу турдаги ниналар озик моддаларини ичакларга ёки конга еткизиш учун килинади. Бундай холатларда рўза очилади. Чунки килинган бу уколлар билан инсон вужуди озикланади.

Хайз ва нифос конларининг келиши.



Ислом Нури

Хайз (ва нифос) кони келиши билан хотин-кизларнинг рўзалари бузилади. Кейинчалик казоларини тутиб берадилар.

Маний тўкиш.

Уйгоклик пайтида хар кандай харакат билан маний чикариш, кучоклаш, ўпиш ва шунга ўхшаш нарсалар окибатида манийнинг чикиши рўзани бузади. Уйкуда эхтилом бўлиш инсон ихтиёридан ташкари бўлгани учун рўзани бузмайди.

Кон куйиш.

Кон йўкотиши сабабли кон куйдирган одамнинг рўзаси бузилади.

8. Казо рўзаларни тутиш

Колдирилган рўзалари бўлган киши, кечиктирмасдан, тезрок казоларини тутиб бериши яхши.

Казо рўзани пайдар-пай тутиш мажбурий эмас. Ислом уламолари вафот этган кишининг зиммасида ўкимай колдирган намозлари бўлса, уларнинг казосини бошка киши ўкимаслигига ижмо килганлар. Шунингдек кимки хаётида рўза тутишга кодир бўлмаса, унинг хаётлигида биров унинг казосини тутмайди. Балки, хар куни эвазидан бир мискиннинг корни тўйгизилади. Лекин кимки вафот этса, унинг зиммасида рўза бўлса, валийси казосини тутиб беради. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Ким вафот этса ва унинг зиммасида рўза бўлса, унинг ўрнига валийси тутиб беради»** (Муттафакун алайхи).



Ислом Нури

9. Намоз ўқимайдиган одамнинг тутган рўзаси

Рўза тутган холида намоз ўқимаган одам, Исломнинг тавхиддан сўнгги энг мухим рукнини қилмаган бўлади. Намоз ўқимаган одамнинг тутган рўзасидан фойда йўқ. Чунки намоз диннинг устунидир.

Аксари уламолар намозни тарк этган кимсанинг кофир эканлигига ҳукм қилганлар. Кофирнинг эса амаллари қабул бўлмас. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Биз билан (кофир ва мушриклар) ўртасидаги аҳд - намоздир. Ким намозни тарк этса, кофирдир»** — дедилар (Аҳмад ибн Ханбал ривояти).

10. Тарових намози

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам рамазон ойида жамоат билан тарових намозини адо этишни жорий қилганлар. Бирок, бу намоз фарз бўлиб қолса, умматларига огир бўлиб қолишидан кўрққанлари учун уни жамоат билан ўқишни тарк этганлар. Унинг ракатлари витрдан ташқари саккиз ракатдир. Оиша розияллоху анҳо пайгамбармизнинг тунги намозларини шундай баён қилганлар: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам рамазонда ҳам ундан бошқасида ҳам ўн бир ракатдан зиёда ўқимаганлар» (Муттафакун алайхи).

Умар ибн Хаттоб разияллоху анҳо бу суннатни қайта тиклаганларида ўн бир ракат ўқиган эдилар. Бу ҳам бир суннатдир (Имом Молик: «ал-Муваттаъ»).

Колаверса учта мазҳабда тарових намози йигирма уч ракатдир.

Хозирги кунда тарових намозини (витр билан бирга) йигирма уч ракат ўқиётган намозхонлар намознинг таъдилул-аркон - хар бир



Ислом Нури

рукнни тўла бажармай, шошилиб ўкимокдалар. Бу билан расулulloх соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларида бўлмаган бир ишни килмокдалар. Одамлар расулulloх соллаллоху алайхи ва салламнинг бу мавзудаги суннатларини тадқиқ этишлари ва У зотдан намуна олишлари керак. Чунки икки дунё бахт саодати шундадир.

Бугунги кундаги мусулмонларнинг кироат, рукуъ ва саждаларда шошилиб килишаётган намозлари кемтик-хатоли намоздир. Бу кемтиклик баъзида уларнинг намозларини бузади, баъзида эса намознинг хайбатини кеткизади.

11. Фитр закоти (садакаи фитр)

Абдуллох ибн Умар разияллоху анхумо ривоят килади: «**Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам рамазонда одамларга садакаи фитрни фарз килди**» (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари). Шу хадисга биноан садакаи фитрни бериш фарздир.

Садакаи фитр катта, кичик, эркак, хотин, хур ва кул мусулмон учун фарздир. Унинг миқдори бир соъ, уни маҳаллий халқнинг кўпроқ истеъмол киладиган озик-овкат маҳсулотларидан чиқариш керак. Уни киши ўзи ва бола-чакасининг бир кунлик ейдиган озик-овкатидан ортигидан чиқаради. Унинг энг афзали эса, факирлар мухтож бўладиган нарсалардир.

Садакаи фитрни беришнинг афзал вақти хайит намозига чиқишдан аввал. Хайитдан бир-икки кун аввал берса ҳам бўлаверади. Бирок, хайит намозидан кейинга колдирилмаслиги керак.

Аллох бу килган хизматларимизни ўзининг розилиги учун қабул килсин ва эртага хузурига борганимизда жаннатга киришимизга



Ислом Нури

Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам рўзасининг сифати | 16

васила килсин. Омийн.

Абу Мухаммад ал-Бухорий